

**ҚДПИ Физика-математика факультети меҳнат таъхлим йўналиши 2-
босқич “б” гуруҳи талабаси Барно Абдураимованинг**

Р Е Ф Е Р А Т И

**Илм. раҳ.:фалсафа кафедраси
катта ўқитувчиси,
ф.ф.н.М.М.Юлдашева**

Ҳозирги даврда ғоявий хуружлар ва уларнинг олдини олиш

Миллий ғоя, миллий мафкура тушунчаларига доир илмий-фалсафий адабиётларда турлича фикрлар ва ёндашувларни учратиш мумкин. Бинобарин, уларнинг айримларида миллий ғоя миллатнинг умумийлик принципига ҳамда унинг манфаатларининг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида устуворлигига асосланган қарашлар тизими сифатида талқин этилади¹.

Республикамиз олимлари томонидан тайёрланган қўлланмада “Миллий ғоя – инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир. Мафкура эса муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир”², – деб таъриф берилган.

Айрим ҳолларда, миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларини талқин қилишда чалкашлиklar мавжуд. Миллий ғоя узоқ йилларга мўлжалланган, бир неча авлодларнинг меҳнати, истеъдоди, ғайрати туфайли яратиладиган, етук жамият сари етакловчи ва кишиларни руҳлантирувчи, ўзига хос маёқдир. Миллий ғоя, бу эзгу ниятлар, ҳаётий идеалларга, эркин ва фаровон ҳаётга етишишга қаратилган, орзу-умидлардир, деган фикр илгари сурилади. Агар бу таърифни мамлакатимизга нисбатан татбиқ этадиган бўлсак, бизнинг бош стратегик ғоямиз – бозор иқтисодиётига асосланган,

¹ Қаранг: Российская социологическая энциклопедия. – М.: Норма - ИНФРА, 1998– 144 с.

² Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 9.

адолатли, ҳуқуқий давлат, жаҳон ҳамжамиятида нуфузли ўрин эгаллаган фаровон, озод ва обод демократик жамият барпо этишимизнинг маънавий ифодасидир.

Миллий ғоя миллий мафкурага таянади, ўзида унинг асосий мазмуни ва мағзини мужассамлаштиради. Миллий мафкура янги жамият қураётган мамлакатимиз тараққиёти қонунлари ва тамойилларидан келиб чиқадиган, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва маънавий эҳтиёжлари ва манфаатлари, ривожининг туб ва устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда муаммоларини ифода этувчи қарашлар, фикрлар тизимидир. Мафкура жамият тараққиётини тезлаштиришда, миллий ғояда кўзда тутилган мақсад ва муддаоларга етишишдаги кучли маънавий қуролдир. Мафкура бу - бош стратегик ғояни амалга оширишнинг маънавий-руҳий асоси ва таянчидир. Мафкура кишиларни миллий ғояга ишонтириш, уни амалга оширишда уларни маънавий қуроллантирувчи, рағбатлантирувчи ва руҳлантирувчи қучдир, деган фикрлар қўйилган масалага бирмунча аниқлик киритади³.

Бизнингча, мазкур масалага Президентимиз И.А.Каримовнинг бу борадаги қуйидаги фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб ёндашилса, мақсадга мувофиқ бўлади: “Миллий ғоя деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизча тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”⁴. Демак, бундан келиб чиқадики, ушбу кенг қамровли, ҳар бир юртдошимиз онгига сингишга даъват этилган, кишиларни олийжаноб, эзгу мақсадларга эришиш йўлида сафарбарликка чорлашнинг қудратли кучига эга тушунчаларни англаб етишнинг илмий-назарий заминларини вужудга келтириш илмий тадқиқотларнинг диққат марказида бўлиши зарур.

³ Қаранг: Валиев А.К. Миллий ғоя ва мафкура тўғрисида баъзи мулоҳазалар // Миллий истиқлол ғояси ва мафкуриси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар. – Тошкент: 2001. – Б. 11-12.

⁴ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 71.

Миллий ғоя ва миллий мафкура масалаларининг илмий-методологик негизлари Президент И.А.Каримов асарларида бир неча йиллардан буён мунтазам равишда баён этиб келинмоқда. Жумладан, уларнинг бирида миллий ғоя, миллий мафкура тизими қандай элементларни ўзида мужассамлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши кераклиги ҳақидаги саволга қуйидаги мазмундаги жавобни ўқиш мумкин: “Миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган эзгу-орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши, шунингдек, фикрлар плюрализми шароитида турли гуруҳлар манфаатларини ягона миллий ғоя атрофида бирлаштириши керак. Бундан ташқари, миллий мафкурамиз миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ва бу орқали жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб мавқега эга бўлишимизда пойдевор ва раҳнамо бўлиши, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда мададкор бўлиши зарур. Айни пайтда, миллий ғоя миллатимизнинг шонли тарихи ва буюк келажагини узвий боғлаб турувчи, эзгу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак”⁵.

Миллий ғоя жамиятимиз тараққиётининг муҳим омили бўлиб, шу маънода, у мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қилади. Миллий ғоя концепцияси ўз тушунча ва тамойилларига, тарихий негизлари, илмий, фалсафий, дунёвий ва диний илдизларига эга муайян тарихий зарурат мужассами бўлган назария ҳамдир. У айнан назария сифатида ижтимоий воқеликнинг ифодаси тарзида намоён бўлади, ўзига хос шаклланиш қонуниятлари ва хусусиятларига эга бўлган умуммиллий ҳодиса ҳисобланади.

⁵ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.14-15.

Миллий ғоя юртимизда яшайдиган ҳар бир миллат, ижтимоий гуруҳ, дин, партия ёки ташкилот вакили учун умумий мезондир. Шу маънода, у кўп миллатли Ўзбекистон халқининг, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган жамиятимизнинг умумий ғоясидир. Миллийлик тушунчаси бу ерда этник маънони, яъни қон-қардошликка асосланган муносабатларни эмас, балки мазкур мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий бирлик сифатидаги бутун халқини, унинг давлатини англатади. Зеро, “Миллий ғоя – бу, фақатгина ўзбек миллатинигина бирлашишга чақирувчи мавҳум шиор деб қарамасдан, балки уни янада кенгроқ кўламда, бутун Ўзбекистон аҳолисини ҳам қамраб оловчи, барчани жипслаштирувчи детерминант сифатида олиб қараш лозим. Биз бу ўринда миллатидан қатъий назар бутун Ўзбекистон халқини ва уларнинг ҳар бирининг шахсий, бутун жамият ва давлат миқёсидаги манфаатларини назарда тутмоқдамиз”⁶. Шу маънода, миллий ғоя, бу – миллатчилик, миллий маҳдудлик ғояси эмас.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил аъзоси ва таркибий қисми бўлган Ўзбекистонни, миллий давлатчилик анъаналаримизни асраб-авайлаш, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларимизда ёт ва бегона ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бирлаштириш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ишига сафарбар этиш бу ғоянинг асосий мақсади ва вазифасидир. Бу Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясининг асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этилиб:

Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари тизимини вужудга келтириш;

миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасига ташқи ва ички таҳдидларни аниқлаш, уларга баҳо бериш ҳамда истиқболлини башорат қилиш;

⁶Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон – минтақада тинчлик ҳимоясида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 42.

миллий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш юзасидан тезкор ва узоқ муддатли чоралар тизимини амалга ошириш;

миллий хавфсизликни таъминловчи кучлар ва воситаларни ташкил этиш, шай ҳолда сақлаб туриш ва бошқариш масалаларига алоҳида эътибор берилган.⁷

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотларнинг муваффақиятли бориши кўп жиҳатдан миллий ғоя ва миллий тафаккурнинг шаклланишига боғлиқ.

Мамлакатимизда ҳар қандай “изм”лардан холи бўлган инсонпарвар жамиятни мустаҳкамлаш шароитида миллий манфаатлар ва тараққиётга хизмат қиладиган миллий ғоянинг ўзига хос характерли жиҳатлари бор. Булар қуйидагилардир:

- халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни акс эттиради;
- турли хил мафкураларнинг мавжудлиги шароитида миллат, жамиятнинг пароканда бўлиб кетишининг олдини олади;
- кишиларни яратувчан фаолиятга сафарбар этиши, ғоявий ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади;
- белгиланган қонунийликка, умумэътироф этилган талабларга, умумбашарий тамойилларга ва миллий манфаатларга мос келади;
- Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради⁸.

Бундан ташқари ғоя умуммиллийлигининг, унинг умумэътироф этилишининг муҳим мезони - бу, миллий ғоя мазмунида мужассамлашган тамойилларга барчанинг бирдай риоя қилиш масъулияти ва мажбурияти ҳамдир. Маълумки, фақат қонун кучига эга бўлган ҳужжатлар бундай

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарори. –Тошкент: –№ 467-1. 1997 йил 29 август. –Б. 15.

⁸Қаранг: Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Тошкент: Akademiya, 2007. – Б. 210-220.

мақомга эга бўлади. Шу маънода, мустақил Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни – Конституция ва унинг негизида қабул қилинган ҳамда қабул қилинажак қонунлар жамиятимизнинг умуммиллий ғояларидир. Айти пайтда, Асосий Қонунимиз бизнинг миллий мафкурамиз ифодасидир.

Мамлакатимиз Конституцияси Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган дастуриламалдир. Айти пайтда, унда ўз аксини топган қоидалар, мавжуд ҳолатни ифода этган ҳолда, унинг истиқболдаги такомиллашувини назарда тутди. Конституциядаги халқ ҳокимиятчилигининг ташкил этилиши, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, демократик ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш, халқнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашдек стратегик мақсадлар шулар жумласидандир. Ушбу демократик тамойилларга мос равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”⁹ лиги алоҳида моддада белгилаб қўйилган.

Ҳамма гап шундаки, Конституция, унда ифода этилган мақсадлар томон интилишни ҳеч қайси ижтимоий-сиёсий кучнинг мутлақ ҳуқуқи сирасига киритмайди. Асосий Қонунга мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этадилар. Бундай иштирок, жумладан, давлат ҳокимияти идораларини демократик тарзда, яъни сиёсий партиялар воситачилигидаги сайловлар орқали амалга оширилади. Шу боис, фуқаролар сиёсий партияларга уюшадилар ва уларнинг Конституция ҳамда бошқа қонунлар доирасидаги саъй-ҳаракатлари тимсолида турли ижтимоий табақа ҳамда гуруҳларнинг сиёсий иродаси ифодаланишига эришадилар. Сиёсий партиялар эса

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 5.

Ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Конституцияда жамият учун умумий мақсадлар белгиланиши баробарида, ҳар бир сиёсий партия уларни амалга оширишга нисбатан ўзининг мафкуравий нуқтаи назари, дастурини ишлаб чиқади.

Миллий мафкура Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳақидаги тарихий, фалсафий, илмий, назарий, сиёсий, диний, бадиий қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи ғоявий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи қудратли маънавий омил ҳисобланади.

Шундай қилиб, миллий мафкура ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра мустақилликни мустаҳкамлашга, мамлакатимизнинг барча имкониятларини буюк мақсадлар сари йўналтиришга қаратилгандир.

Кишилиқ жамият тарихи ва замонавий воқелиқ мавжуд, реал ижтимоий вазиятни сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган кучлар ўзларини умрини яшаб бўлган эски, тараққиётга монелиқ қилувчи мафкура тарафдорлари сифатида ўзларини намоён қиладилар, янги, илғор жамиятни барпо этиш тарафдорлари эса кишиларни бунёдкорликка йўналтирувчи мафкурани илгари сурадилар. Шу билан бирга, айна пайтда, жамиятда ўзининг ноаниқ, беқарор ўрни ва унга мос бўлган ғайриилмий мафкурага асосланиб, бузғунчилик хатти-ҳаракатларини содир этишга мойил кучлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Жумладан, Г.Туленованинг фикрича, “Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги нафақат давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қурол билан ҳимоя қилишни, балки урушларнинг олдини олиш, давлатнинг иқтисодий ва технологик хавфсизлиги, ички барқарорлиги ва нормал ҳаёт кечириш, фуқароларнинг ҳуқуқий, маданий-маърифий ютуқларини ҳимоя

қилиш бўйича фаол сиёсий ва дипломатик чоралар кўришни ҳам ўз ичига олади”.¹⁰

Ҳозирги даврдаги улкан маънавий таҳдидлардан бири - диний экстремизм ва ақидапарастликнинг келиб чиқиши ва минтақамизда намоён бўлиш шакллари тўғрисида Президентимиз И.А.Каримов аниқ ва батафсил фикр-мулоҳазалар баён қилган: “Инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм сифатида фойдаланганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари, авваламбор ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир”¹¹.

Фанатизм жамият тизимининг беқарорлигига олиб келувчи энг катта таҳдиддир. Жумладан, у зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин бўлиб хизмат қилган. Дин ниқоби остидаги экстремистлар террорчилик, суиқасд уюштириш билан шуғулланадилар. Ислом фундаментализми ҳам исломнинг фундаментал тамойилларини тиклаш, ислом вужудга келган дастлабки шарт-шароитларга қайтиш шиори остида ҳаракат қилувчилардир. Улар дин ва сиёсатни айнанлаштиришга, давлатни исломлаштиришга уринадилар. Диний фундаментализм демократия ва ошкоралик даврида “соф” исломни тиклаш ҳаракати асосида пайдо бўлган диний оқимдир. Мусулмон мамлакатлари халқлари тарихига назар ташласак, ислом ақидапарастлиги янги ҳодиса эмаслигини англаб олиш қийин эмас. У жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида, сиёсатда йирик ўзгаришлар содир бўлган вақтларда диний-сиёсий оқим сифатида вужудга келиб турган.

¹⁰ Қаранг: Г.Туленова. Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарурати. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 4.

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –443 б.

Мамлакатимизда эса маъмурий-буйруқбозлик, тоталитар тизим ҳукмронлик қилган даврда диний масалага юзаки ёндашилди. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида жамиятда диннинг мавқеи қайта тиклана бошлаган даврда ислом омили ва унинг хилма-хил кўринишлари фаоллашди. Айни пайтда, ақидапарстларнинг орасида исломни сиёсийлаштиришга уриниш ҳоллари кучайди. Улар ислом динидан сиёсий кураш учун, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш учун қурол сифатида фойдаланмоқчи бўлдилар. Уларнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат эди:

- биринчидан, улар диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга бўлган ишончини йўқотишга, демократик жамиятни обрўсизлантиришга, барқарорлик ва миллий тотувликни бузишга;

- иккинчидан, оммабоп, жозибадор, асоссиз даъватлар орқали, бақирик-чақирик, шовқин-суронлар солиш билан андишали, меҳнаткаш, бағри кенг халқимизни йўлдан оздириш, айниқса, ҳали онги яхши шаклланмаган ёшларимизнинг ақлига, тақдирига ҳукмрон бўлиб олишга;

- учинчидан, улар аҳоли ўртасида «ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик чиқариш орқали миллатларни парчалашга;

- тўртинчидан, ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчи деб ҳисоблайдиган жангчиларнинг янги авлодини вужудга келтиришга;

- бешинчидан, бизни гоҳ динсиз даҳрий деб, гоҳ давлатларни исломлаштиришнинг яширинча тарафдори қилиб кўрсатиш орқали мусулмон ва номусулмон мамлакатлар жамоатчилиги орасида Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутишга;

- олтинчидан, ислом цивилизацияси билан бошқа цивилизациялар ўртасида янги қарама-қаршиликни келтириб чиқаришга;

- еттинчидан, омма онгида дин барча муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилиш воситаси деган тасаввурни қарор топтиришга уринадилар¹².

¹² Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 33-48.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, диний экстремистик оқимлар пайдо қилаётган маънавий таҳдидлар асосан кўп миллатли жамиятимиз аъзоларини, айниқса, ёшларимизни асоссиз даъватлари билан ўзларига кўр-кўрона эргаштириш, уларда ҳаётга нисбатан норозилик кайфиятини юзага келтириш, яшашга, меҳнатга бўлган иқтидорини сусайтиришдан иборат.

Марказий Осиё минтақасида, жумладан, мамлакатимизда яширинча фаолият олиб бораётган “Ваҳҳобийлик”, “Ҳизбут таҳрир”, “Ақромия” каби оқимлар шулар жумласидандир¹³.

XVIII асрда Арабистон ярим оролида диний характерга эга, янги ижтимоий-сиёсий оқим вужудга келди. Бу мусулмонлар орасида айрим шахсларни ҳаддан ташқари улуғлаш ва табаррук тутиш, динда йўқ янгиликлар, яъни бидъат нарсаларнинг кўпайиб кетиши ва бу бидъатнинг диний маросим ва дунё ишларида етакчи ўрин эгаллай бошлагани баҳонасида юзага келди. Ушбу ижтимоий-сиёсий мазҳабга кирганларни ваҳҳобийлар деб аташди. Уларни наждийлар ҳам дейишади.

Ваҳҳобийликнинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳобдир. Маълумотларга қараганда, у ўз фаолиятини 1730 йилдан бошлаган. Давомли саёҳатлар ва диний илмлар мутолааси унинг дунёқарашига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди ва асос бўлиб хизмат қилди. Ваҳҳобия номини олган таълимот Арабистоннинг ўша даврда муайян маънода ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини ўзида акс эттирувчи йўналишлардан бирини ташкил этди¹⁴.

Ваҳҳобий таълимотининг асосини Тавҳидни, яъни фақат Оллоҳнинг ягоналигини тан олиш ҳиссиётини соф сақлаш ғояси ташкил этди. Улар пайғамбар ва авлиёларнинг шафоатларидан умидвор бўлиш, қабристонларни зиёрат этишни рад қилиб, тасаввуфни ҳам инкор этдилар. Шунингдек,

¹³ Қаранг: Хусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 87-94.; Абдуллажанов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 18.; Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати. – Тошкент: ЖИДУ, 2005. – Б. 23-25.

¹⁴ Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати. – Тошкент: ЖИДУ, 2005. – Б. 24.

ваҳҳобийлар сурагга тушиш, мархумлар руҳига тиловатлар ўқиш, хайри эҳсон қилиш каби амалларга ҳам қарши чиқдилар. Ҳозирги даврга келиб, улар томонидан тамаки чекиш, ипак кийим кийиш, тасбеҳдан фойдаланиш билан бирга, кўшиқ, мусиқа, театр, кино, тасвирий санъат каби маънавий маданият шакллари ҳам таъқиб остига олинади.

Ибн Абд ал-Ваҳҳоб ўз мафкурасини тарқатишда асосан куч ишлатиш, зўрлик йўлига таянган. Бу ўша даврда ҳукмрон бўлган Усмонли турк империясини ҳам ташвишга солган, уларга қарши бир неча марта кўшин юборилган.

Ибн Абд ал-Ваҳҳобга ўша заминда яшаган Муҳаммад ибн Сауд ёрдам берган. Унинг вафотидан сўнг эса, ўғли Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Сауд ваҳҳобийларни қўллаб-қувватлаган. Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб 1788 йилда муқаддас Макка ва Мадинани эгаллаб, у ердаги барча тарихий обидалар, саҳобалар дафн этилган жойларни ер билан яксон этиб, жуда кўп талофатлар етказган. Ваҳҳобийлар қайси шаҳар ёки қишлоққа бормасин, у ердаги қабрларни таҳқирлагани, обидаларни бузганликлари учун европаликлар уларни “обидаларни бузувчилар” деб атаганлар.

Шуни айтиш лозимки, ваҳҳобийлар ўзлари зулм ўтказган барча мусулмон аҳолисига ўз мафкурасини мажбуран сингдира олмаган. Уларнинг ўта тор мутаассиб таълимоти халқнинг қаттиқ қаршилигига учраган. XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи чорагида ваҳҳобийларнинг номақбул ғоясини жамиятдан сидириб ташлаш учун Миср ҳукмдори Муҳаммад Али уларга қарши кураш олиб боргани ва ваҳҳобийлар тарафдорларини батамом қириб ташлагани тарихдан маълум. Аммо, яна ваҳҳобийликни байроқ қилиб олган Абд ал-Азиз ибн Сауд (1880-1953) раҳбарлигида 1920 йилда Арабистон ярим оролида бошланган ғазовот (мустақиллик) уруши натижасида 1932 йили ҳозирги Саудия Арабистони деб номланган янги давлатга асос солинган. Ваҳҳобийлик таълимоти мазкур давлатнинг расмий мафкурасига айланди.

XVIII асрда Саудия Арабистонида илдиш ота бошлаган ваҳҳобийлик кейинги икки аср давомида диний-сиёсий оқимлардан бирига айланди. XX асрга келиб дунёдаги қатор давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи аҳолининг ҳавфсизлигига ҳам таҳдид сола бошлади.

Бу оқимнинг ҳозирги замондаги тарғиботчилари ҳар қандай халқни, давлатни қуфрда айблаб, унга қарши курашиш учун қулай фурсат излайдилар. Айниқса, улар кишиларда муросасизлик, ўзгаларнинг фикри, манфаатларига ҳурматсизлик руҳини сингдиришга ҳаракат қилаётган соғлом фикрловчи аҳолининг қаршилигига учрамоқдалар.

Ўзбекистон мусулмонларини тўғри йўлдан оздириш йўлидаги ташвиқот ва ҳаракатлар бошланишидаёқ сезилиб, унинг ташкилотчилари шармисор бўлиш ўрнига янада авж олиб жанговар тус ола бошлади¹⁵. Бундай ҳолнинг юзага келишига асосий сабаб Ўзбекистонда ваҳҳобийлар ва уларнинг таълимоти ҳақида ҳеч нарса маълум бўлмаганида эди. Шунинг учун ваҳҳобийлик даъватларида, шунингдек китобларида ҳам аҳли суннат мазҳабларидаги диннинг пойдеворини ташкил қилган нарсаларда, хусусан, тавҳидда ҳеч бир фарқнинг йўқлиги мусулмонларда ваҳҳобийларга нисбатан шубҳа туғдирмай келди. “Турғунлик, танглик ва жамиятнинг парчаланиш йилларида ажнабий ваҳҳобийликнинг оммага ёқиш йўлидаги уринишлари адолатни юзаки тушуниб тарғиб қилишда ҳамда зеб-зийнатдан ва манфаатпарастликдан воз кечишни эълон қилишда намоён бўлмоқда. Афсуски, бундай даъватлар Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида яқин ўтмишда ва ҳозирги кунларда ҳам кенг ёйилди ва қўллаб-қувватлаб келинди”¹⁶. Ўзбеклар ичида динсизлик хусусидаги гаплар эса советлар давридаги худосизлар ва коммунистларга нисбат деб тушунилди. Мана энди ваҳҳобийлар таълимотининг асл мақсадлари очилди, фирқанинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳобнинг ўзи аҳли суннатдан бўлиб, катта олим даражасига етишиб, гарчи унда ўз асрининг йирик намоёндаларидан бўлиб

¹⁵ Қаранг: Пахрутдинов Ш. Таҳдид - ҳалокатли куч. – Тошкент: Академия, 2001. –Б.105-109.

¹⁶Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари / Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.– Б. 42.

етишиш имконияти бўлса ҳам, унинг бузуқ, нотўғри йўлга киргани аён бўлди. Ҳозирги кунда ибн Абдул Вахҳобнинг йўлдан озишида муҳим бир сабаб борлиги ҳам маълум бўлди. Эҳтимолки, унинг ҳаёту мамотини ҳал қилган ушбу сабабнинг мазмуни турк тилидаги “Фойдали билгилар” китобининг 52-саҳифасида мана бундай келтирилган: “...Hemper 1122/1710 йилда Басрада тузоғига илинтирган наждли Муҳаммадни неча йиллар алдаб ваҳҳобий фирқасини тузишди. Бу хусусда «Инглиз жосусининг эътирофлари» китобимизда кенг маълумотлар бор». Абдулваҳоб ўғлининг инглиз жосуси тузоғига илингани, албатта, Нажд ва Ҳижоз бадавийларининг ўйларига ҳам келган эмас. Шунинг учун бу таълимнинг асл мақсади - исломни яхшилаш баҳонасида аҳли суннат сафларини бузиш экани ҳам оддий халқ учун яширинлигича қолди¹⁷.

Минтақамизда, хусусан Ўзбекистонда дин ниқоби остида ғаразли мақсадлар билан сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интилиб, халқимиз онгига нисбатан мафкуравий таҳдид солаётган кучлардан яна бири – бу, “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” ташкилотидир.

“Ҳизбут–таҳрир” арабчадан таржима қилинганда “Тозалаш партияси” деган маънони англатади. Бу маҳфий гуруҳ 1953 йилда Фалсастинда, кейинчалик Иордания ва Ливанда Тақийюддин Набихоний томонидан ташкил этилган. Набихоний «Ҳизбут–таҳрир»нинг асосий ғоялари ва ҳаракат асосларини «Ислом низоми», «Ҳизбут–таҳрир тушунчалари», «Такатул», «Исломда ижтимо Низоми» номли асарларида белгилаб берди. Унинг ғояларини давом эттирган Абдулқадим Заллум эса 1996 йилда «Демократия куфр Низоми», «Исломда бошқарув Низоми», «Ислом давлатида моллар» номли китобларни ёзди. Шунингдек, Абдулқадим Заллум «Ал-ваъй» («Онг») журналинини чоп эттира бошлади. Ушбу низомларда демократик давлатни ағдариш ва унинг ўрнида халифалссик тизимини ўрнатиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Халифалссикда қўйидаги мансаблар белгиланган: халифа,

¹⁷ Қаранг: Азимов А., Ҳасанов Б. Аҳли суннат эътиқоди ва ваҳҳобийлик. – Тошкент: ТДШИ, 1999. – б. 43.

халифа муовинлари, ижрочи муовин, жиҳод амири, қўшин бош қўмондони, қози, идорий жиҳоз, уммат мажлиси, валийлар.

«Ҳизб ут-таҳрир» гуруҳлари ўзига хос тузилишга эга бўлиб, унинг аъзолари алоҳида тайёргарлик босқичларидан ўтадилар. «Ҳизб ут-таҳрир»чилар ўз даъватларини асосан ёшларга қаратадилар. Биринчи даъватдаёқ Аллоҳнинг буйруқларини ҳамма бажариши шарт ва бундай ғояни фақат «Ҳизб ут-таҳрир» амалга оширяпти, деб аста-секин бирон-бир ғўр ёш йигитни алдай бошлайдилар. Айни кунда рўзғор тебратишдаги мавжуд ўткинчи иқтисодий қийинчиликларни бўрттириб, бундай қийинчиликларни ҳал қилиш фақат «халифалссик»нинг қўлидан келади, деб уқтира бошлайдилар. Шу тариқа тузоққа тушган йигитга: «Энди сени тўғри йўлга бошлаймиз», - дея «Ислом Низоми» китобидан сабоқ берадилар. Ёш йигит беш кишилик гуруҳ – «ҳалқа»га қўшилади. Янги йигит «дорис» унвонига «мушарраф» бўлади. Уларни яхши тайёргарлик кўрган «ҳизби»лардан тайинладиган «мушриб» ўқитади. Ёш йигит бир неча ой дорис бўлиб, «Ислом низоми»ни мустаҳкам ўрганади, унга «Ал-ваъй» («Онг») журналининг ҳар ойлик сонини канда қилмай ўқиб туриш тавсия этилади. Ўқитиш жараёнида кучли руҳий эмоционал таъсир кўрсатиш – мавзуни «дорис» томонидан овоз чиқариб ўқитилиши, сўнгра «мушриф» томонидан қайта такрорланиши, фикрларнинг мукаммал тушунтирилиши, шундан сўнг эса, навбат кейинги «дорис»га берилиши услубида олиб борилади. Мавзу тугагач, унинг таҳлилига ўтилади. Навбатдаги дарсда аввалги мавзуга яна қайтилади. Дарс икки соатдан кам бўлмайди. Шундай қилиб, беш кишилик «ҳалқа» биргаликда ҳаракат қила бошлайди. Бинобарин, «ҳалқа»лар бўлак «ҳалқа» аъзоларини танимайди, уларнинг уй манзили сир тутилади. «Дорис»лар маҳфий равишда ўқиш якунида бир жойга тўпланганларида, «юқори жиҳоз»дан вакил келиб, уларнинг билимларини текшириб кўради. Имтиҳондан ўтган «дорис»лар «Ҳизб ут-таҳрир» амирининг ҳар қандай

бўйруғини сўзсиз ва иккиланмасдан бажаришга «қасамёд» қилиб онт ичадилар. Шу вақтдан бошлаб, улар «Ҳизб» деган унвон оладилар. «Ҳизб» бўлган ёшлар «нақиб» бошқарувида иккинчи даражадаги таҳсил олишни бошлайдилар. Бунда «Ҳизб ут-таҳрир» тушунчалари» (қисқачаси «Мафаҳим») китоби ўргатилади. «Ҳизб» бўлган йигитларга энди ҳар ҳафтада «идорий мажлис», «амалий ўтириш», «шаҳрий» йиғилишларига қатнашишлари, ҳамда варақа тарқатиш мажбуриятлари юклаб қўйилади. Бундан ташқари, ҳар ҳафтада ҳар бир «Ҳизб» камида бешта одамни «Ҳизб ут-таҳрир»га ўтишга даъват қилиши ва бу хусусда раҳбарига доимий ҳисобот бериб бориши шарт бўлади. Бундай даъватни оила аъзолари ва яқин қариндошларидан бошлаши тавсия қилинади. Булардан ташқари, рўзномаларда чоп этилаётган мақолалар билан танишиш, ойнаи жаҳонда кўрсатилаётган сиёсий воқеаларни ўрганиш ва доимо «Ал-ваъй» («Онг») журнаlinesи ўқиб бориши мажбурийдир. Иккинчи даражадаги ўқишни тамом қилган «Ҳизб»га энди «нақиб» унвони берилади ва учинчи даражадаги ўқиш бошланади. Бунда «Такатул» китоби ўқитилади. Ушбу ўқишни тамом қилганларга «мусоид» ёки «катта халқа амири» деган унвон берилади. Барча ўқитиш жараёнларида «Ҳизб»ларни ҳар томонлама тайёрлаб боришади. Шуниси қизиқарлики, «жиҳод», яъни жанг эълон қилинса, барча ҳизблар ушбу «жиҳод»да фаол бўлишлари ва бу йўлда ўлиб кетсалар, «жаннат»га киришлари алоҳида ўқтириб ўтилади.

«Ҳизб ут-таҳрир» оқимининг негизини ташкил этган ғоялар чуқур зиддиятларга эга. Уларнинг асосий мақсади ва ҳаракати ваҳҳобийлар каби давлат сиёсий бошқарувига аралашишга, ҳукуматни тўнтариш йўли билан қўлга киритиб, ислом давлати ўрнатишга қаратилган¹⁸.

“Ҳизб”чилар мафкуравий тарғиботларини уч босқичдан иборат таъсир кўрсатиш йўллари орқали амалга оширадилар:

¹⁸ Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати. – Тошкент: ЖИДУ, 2005. – Б. 26.

биринчиси, тушунтириш ишларини олиб бориш орқали онги тўлиқ шаклланмаган ёшларни ўз доираларига жалб этиш;

иккинчиси, фикрий кураш орқали «умматни оёққа турғозиш, келажакдаги масалаларни идрок қилиши»га эришиш, яъни одамлар онгига салбий ғояларни зўраки сингдириш;

учинчиси, манқуртга айланган экстремистик кучларни ҳукуматга қарши қуйиш, бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш, дин ниқоби остида террорчилик йўли билан ҳокимиятни эгаллашга бор кучни сарфлаш.

«Ваҳҳобийлик» ва «Ҳизб-ут-таҳрир» оқимлари ўзаро умумий томонлари билан бирга улар ўртасида фарқ қилувчи жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, ваҳҳобийлар асосан Муҳаммад Пайғамбар замонида ислом дини қандай ташкил этилган бўлса, шундай ҳолатда қайта ташкил этиш ғоясини илгари суради. Шунингдек, улар давлатни халифалссик тарзида бошқариш тарафдори эмас. «Ҳизбут»чилар эса, айнан халифаликни ёқлайдилар. Бундан ташқари, ҳар икки оқим ақидада ҳам фарқ қилувчи фикрга эга. Жумладан, ваҳҳобийликда жиҳод эълон қилиш, яъни қуроли кураш йўли билан давлат бошқарувини қўлга киритиб, исломий давлатни ташкил қилиш кўзда тутилса, «Ҳизб-ут-таҳрир» ҳаракатни аста-секинлик билан юқорида айтиб ўтилган босқичлар орқали амалга оширишни тарғиб қилади.

Ушбу икки оқим ҳамда бошқа диний экстремистик ҳаракатларни бирлаштирувчи умумий жиҳати шундаки, уларнинг хатти-ҳаракатлари зўровонликка, террорга асосланган. “Террор” сўзи лотинчадан “terror” - қўрқув, даҳшат, ваҳима деган маъноларни англатади ва тазйиқ кўрсатиш, ҳаттоки, жисман йўқ қилиб ташлаш мақсадида рақибларга нисбатан куч ишлатиш, зўровонлик қилишни ифодалайди. Давлат ҳокимияти, тожу тахт, бойликларга ноқонуний йўл ва воситалар орқали эга бўлиш мақсадида

қадимдан террорчиликнинг у ёки бу шакллари (очиқ, махфий, яқка тартибда ёки уюшган ҳолдаги ва ҳоказалар)дан фойдаланиб келинган¹⁹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, террорчилик инсоният тарихий тараққиётининг барча даврларига хос бўлиб, турли шакл ва йўналишларда намоён бўлиб келадиган мафкура ва амалиётдир. Афсуски, жамият ҳаёти соҳаларининг ривожланиши билан бирга террористик ташкилотларнинг сони ҳам, террорчиликнинг кўлами, услуб ва воситалари ҳам такомиллашиб боради. Масалан, мутахассисларнинг таъкидлашларича, ҳозирги даврга келиб, сиёсий террор нафақат қуруқликни, балки денгиз ва ҳаво йўлларини ҳам қамраб олмоқда. Британиялик экспертларнинг фараз қилишича, XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида жаҳондаги террористлик актларининг сони йилига 1500-2000 гача етиши мумкин²⁰.

Умуман олганда, террорчилик серкирра ва мураккаб ходисадир. Бунини террорчиликка берилаётган таърифларнинг турлича экани ҳам тасдиқлайди. Зеро, мазкур ходисанинг мазмун-моҳияти хусусида ягона илмий тўхтам мавжуд эмас. Хусусан, АҚШ собиқ адмирали Б.Хэрлоунинг фикрича, террор аксарият ҳолларда сиёсий мақсадлар йўлида ҳукумат ва жамиятни мажбурлаш ёки қўрқитиш мақсадида кучдан ноқонуний фойдаланиш ёки куч билан таҳдид қилишни англатади²¹. Ю.Кузнецов ва В.Никольскийларнинг таъкидлашларича, “сиёсий терроризм – бу, жамиятда хавотир уйғотиш, ҳукуматни заифлаштириш ва ағдариш, зарур сиёсий ўзгаришларга эришиш ёки баъзи ҳолларда бундай ўзгаришларга йўл қўймаслик мақсадларида, шу жумладан, баъзи сиёсий ва жамоат арбобларини жисмонан йўқ қилиш орқали келадиган зўрликдир”²². Бунга ўхшаш таърифлар бошқа хорижлик мутахассисларнинг қарашларида ҳам учрайди.

¹⁹ Қаранг: Жаринов К.В. Терроризм и террористы: исторический справочник. – Минск: Харвест, 1999.– С. 23.

²⁰ Қаранг: Кузнецов Ю., Никольский В. Введение в теорию национальной безопасности. – М.: Культура – Сеть, 2000. – С.499-503.

²¹ Қаранг: Кузнецов Ю.П. Террор как средство политической борьбы экстремистских группировок некоторых государств. – СПб., 1998.– С. 56.

²² Кузнецов Ю., Никольский В. Введение в теорию национальной безопасности. – М.: Культура – Сеть, 2000. – 502 с.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам терроризмнинг моҳиятини аниқлашга қаратилган таҳлиллар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги нашр этилаётган луғатларда ушбу тушунчага таърифлар берилмоқда. Масалан, уларнинг бирида “терроризм, террорчилик – зўрлик ва жаҳолат мафкураси; террор билан амалга ошириладиган сиёсий ҳаракат”²³ деган таърифни ўқиш мумкин. Яна бир манбада “терроризм – маълум ёвуз мақсадлар йўлида куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули”²⁴ сифатида баҳоланади.

Террорчилик қандай таърифланмасин, у таъқиб, зўравонлик, кўпуровчилик ва қотилликни англатиб, гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай байроқ остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.

Терроризмнинг келиб чиқишига замин яратувчи сабаблар қаторида ички зиддиятлар, давлатлараро муносабатлардаги келишмовчиликлар, диний асосдаги ихтилофлар, этникнизолар, турли оқим ва гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш жараёнлари, уюшган жиноятчилик ҳамда таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган турли институтларнинг ноқонуний ҳаракатлари каби омиллар кўрсатилади.

Экспертларнинг маълумотларига кўра, XX аср охирига келиб дунёда 100 га яқин террористик ташкилотлар бўлган. Улар турли мамлакатлар ҳудудида фаолият олиб боради ва бир-бири билан доимий алоқада бўлиб, террористик актларни уюштириш, ахборот алмашинуви ва жиноий фаолиятни молиявий таъминлаш масалаларида ўзаро ҳамкорлик қиладилар²⁵.

Ҳозирги пайтда террорни, моҳиятига кўра, асосан икки турга ажратиш мумкин. Уларнинг бири – сиёсий террор бўлса, иккинчиси сиёсий мақсадлар кўзда тутилмаган, жиноий мақсадлардаги (ўч олиш, талончилик, меҳнатсиз

²³ Фалсафа: комусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004 – 398 б.

²⁴ Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Тошкент: Akademiya, 2007. – Б. 274.

²⁵ Қаранг: Кузнецов Ю., Никольский В. Введение в теорию национальной безопасности. – М.: Культура – Сеть, 2000. – С. 500.

ҳаёт кечириш учун мўмай маблағ топиш ва ҳ.к) террорчилик амалларидир²⁶. Албатта, террорнинг ҳар иккала тури ҳам ғайриинсоний кўринишга эга. Лекин, сиёсий террорнинг таъсир кўлами кенг эканини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки, у давлатнинг конституциявий тизимини емиришга қаратилади ва ҳатто, минтақавий ва глобал характер касб этиши ҳам мумкин. Америкадаги сентябрь воқеалари кўрсатганидек, террористик актлар бутун дунёни ларзага келтириши, минглаб, ундан ҳам кўпроқ кишиларнинг ҳаётига хавф солиши, миллатлараро ва давлатлараро муносабатларнинг кескинлашувига ҳамда қонли тўқнашувларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, 1995 йилда Франция пойтахтида ислом фундаменталистлари томонидан амалга оширилган портлашлар натижасида ўндан ортиқ тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлган ва юзлаб кишилар яраланган. 1998 йилда АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарида уюштирилган портлашлар 300 га яқин кишининг ҳалок бўлиши ва 4000 га яқин кишининг ярадор бўлишига сабаб бўлди. 1999 йилда Россияда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари туфайли 305 киши ҳаётдан кўз юмди, 500 киши ярадор бўлди. 1999 йил 16 февралда эса Тошкент шаҳрида содир этилган террористик ва қўпоровчилик актлари натижасида 10 нафардан зиёд бегуноҳ киши ҳалок бўлди, бир неча ўнлаб киши турли даражадаги тан жароҳати олди²⁷.

Терроризмнинг ривожланиш динамикасидаги рақамлардан аён бўладигани, ушбу ҳодиса мунтазам ривожлантириб, такомиллаштириб, кенг оммага сингдириб бориладиган мафкуравий саъй-ҳаракатларга асосланади.

²⁶ Қаранг: Кожушко Е.П. Современный терроризм: Анализ основных направлений. –Минск.: Харвест, 2000. –С. 10-11.

²⁷ Қаранг: Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.51-52.

Шу маънода, террорчилик нафақат, конкрет миллат, балки бутун инсоният маънавиятига нисбатан улкан таҳдиддир.

Сўнгги йилларда халқаро терроризм билан диний экстремизмнинг бирлашиши халқаро хавфсизликка, алоҳида олинган минтақалар ва мамлакатлардаги тинчлик ва осойишталикка жиддий таҳдид солмоқда. Бундай шароитда умуммиллий мақсад, миллий ғоянинг халқимиз, айниқса ёшларимиз томонидан чуқур идрок этилиши катта аҳамиятга эга. Зеро, миллий ғоя янги жамият барпо этишнинг, ушбу буюк мақсадлар йўлига ғов бўлаётган диний экстремизм, халқаро терроризм каби кучларга қарши курашнинг мафкуравий омили ва маънавий негизини ташкил этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ II – “Б” ГУРУХ ТАЛАБАСИ

АБДУРАИМОВА БАҲНОНИНГ

“Ҳозирги даврда ғоявий хуружлар ва уларнинг олдини олиш”

мавзусида тайёрлаган

РЕФЕРАТИ

ҚЎҚОН – 2011